

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тошкент Тиббиёт Академияси
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТ -
ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ**

**илемий мақолалар тўплами
7-сон**

Тошкент-2018

tiklashga qaratilgan tadbirlar readaptatsiya hodisalarini mumkin qadar tezroq tugatishga yordam beradi. Past tekislik sharoitida ikki hafta mashq qilinganidan keyin odatda sportchilarning ish qobiliyati yuksak darajaga ko'tariladi. Bu daraja yuksak ish qobiliyati mashg'ulotlar vaqtida 2-3 oy mobaynida saqlanib qoladi.

Foydalilanilgan adabiyotlar:

3. Michael L.Cain, William D. Bowman, Sally D. Hacker. Ecologigy. Sinauer associates Inc, 2011.

4. Andrew S.goudie. The Human Impact. Wiley-Blackwell, 2013.

Д. Рахимов,

**ФДУ Иқтисодиёт назарияси
кафедраси ўқитувчиси**

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИЖТИМОИЙ – ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТДА ЎРГАНИЛИШИ

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришdir. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан керакли қонунлар, қарорлар, фармонлар ва шу каби хукуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар ҳаётга тадбир қилинмоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида иккита фонд: тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фондлари ташкил этилган.

Фармонлар мамлакатимиз Президенти Олий мажлис Конунчилик палатаси ва Сенати Кўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маъruzasiда белгилаб берилган вазифаларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Маърузада асосий стратегик вазифамиз- демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида

самарали, босқичма-босқич ва изчил бориш эканлиги белгиланган эди.

ХХ аср охири, ХХI аср бошида цивилизациянинг умумий тараққиёт хусусиятлари ривожланиши ҳеч қачон бир текис, ортиқча зўриқиши ва кескинликларсиз кечмаслигини, у хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий, хоҳ маданий тараққиёт бўлсин бизга ҳали номаълум, олдиндан башорат қилиш қийин бўлган яширин қонуниятлар асосида бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Фикримизнинг далили сифатида ривожланаётган мамлакатлар у ёқда турсин, кучли йигирмалик давлатларни ҳам саросимага собиб қўйган ва ҳозирда иккинчи босқичи бошланганлиги башорат қилинаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини келтириш мумкин. Бундай шароитда ишлаб чиқаришни зудлик билан қайта куриш, замон талабларига жавоб бермай қўйган ишлаб чиқариш шаклларидан воз кечиши, иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш шаклини ўзгартириш каби чоралар катта самара беришини инқироздан деярли талофатсиз чиқа олган Республикамиз мисолида кўриб ишонч ҳосил қилдик. Ишлаб чиқариш жараёнидаги бундай қайта куришлар ўз-ўзидан ишчиларни қайта тайёрлаш, ўқитиши, уларда янги кўникма ва малакаларни шакллантиришни талаб қиласди. Бу албатта катта куч ва маблағ талаб қиласдиган, лекин иқтисодий самарадорлик нуқтаи-назаридан ўзини оқлайдиган тадбирdir.

“Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган ҳар томонлама чукур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади”.⁴⁸

Шу муносабат билан яна бир марта Биринчи Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўра билиши, бозор муносабатларига ўтишга нақадар эҳтиёткорлик билан ёндошгани, бозор муносабатларини шакллантириш билан бир вақтда маънавият, миллий мафкурани

⁴⁸ Каримов И. Мамлакатимизда демократик исподотларни янада чубурлаштириш ва фўйдалик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Шонунчлилик палатаси ва Сенатининг йўлши маъжлисидағи маъруза. 2010 йил 12 ноябр – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 6

шакллантириш масаласига, миллий-маънавий қадрият ва анъаналаримизни тиклаш, уларнинг элтувчи манбаи бўлган маҳалла ижтимоий институтини кучайтириш, мавқенини кўтаришига алоҳида эътибор қарататётгандиклари ҳам бежиз эмас, албатта. Аслида, Юртбошимиз томонидан яратилган ўзимизга хос “Ўзбек модели” бизни муқаррар ҳам молиявий, ҳам иқтисодий ва энг муҳими маънавий-маданий таназзулдан сақлаб қолганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ушбу модел ўтиш даврининг энг қийин даврларида республикада ижтимоий барқарорликни саклаш, иқтисодиётнинг интенсив ўсишини таъминлаш, энг муҳими фуқароларни ўтиш даврининг қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган турли руҳий зўрикишлардан саклаш имконини берди, энг муҳими бу жараён айни пайтда ҳам ўзининг мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Президентимизнинг ўз сўзлари билан айтганда: “Биз ишлаб чиқкан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу модельнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, конун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқиччама босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир”⁴⁹.

Ҳар қандай таназзул, инқирознинг илдизи охир оқибат таълимтарбия жараёнига бориб тақалади. Чунки жамиятда ҳар бир жараён, у хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий, хоҳ маънавий-маданий бўлсин, уни режалаштирувчилар, амалга жорий қилувчилар ва ижро этувчилар муайян шахслар хисобланади ва уларнинг дунёкараши таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Ўз-ўзидан шундай хулоса келиб чиқадики бугун таълим-тарбия жараёнида тайёрланаётган мутахассисларнинг эргага жамият тараққиётига қандай мазмунда таъсир кўрсатиши катта аҳамият касб этиди. Юртбошимиз айтганлариdek “... келажагимиз пойdevori билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай

⁴⁹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чӯғурлаштириш ва, фуқаролик жамиятини ривожлантариш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йонунчлилик палатаси ва Сенатининг йўшма мажлисидаги мъъузуза. 2010 йил 12 ноябр – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 4

бўлиши фарзандларимизнинг бутун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир".⁵⁰

Зикриллаев Музаффар,

Тиббий педагогика факультети 303 –гурӯҳ талабаси

Рахмонова Ёқут Расуловна,

Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси

САЛОМАТЛИК - ФЕНОМЕНАЛ ҲОДИСА

Бахт муаммосига оид изланишлар ўзининг ижтимоий-тариҳий тараққиётига эга бўлиб уларда илмийликка қараганда, бадиийлик устуворлик қиласр эди. Бадиий хотиротлар мажмуаси қадимги нодир, ноёб кўлёзмалар, оғзаки нутқ намунасида ўз ифодасини топтан. Улар ўзларининг салоҳияти, мукаммалиги билан инсоният учун хулк-атвор қоидалари сифатида одамларнинг турли-туман нуқсонлардан асраш, кўнгил қолиши (совиш) ҳис-туйғуларнинг ҳалокатли ҳолатларнинг олдини олишда бекиёс аҳамият касб этади.

Қадимги дунё алломалари мутафаккирлари аксарият ҳолларда бахт тушунчасини инсонни маънавий ва табиий жихатдан қониқиши ҳолати сифатида тушунгандар. Уларнинг мулохазаларида мазкур ҳолатга эришишнинг аниқ йўлларини белгилаш жараёнида бирлик умумийлик мавжуд бўлсада, лекин нима билан қониқтириш ва нимани қониқтириш бўйича ўхшашликлар бор.

Бахт муаммоси инсоншунослик фанларининг предметига кирганлиги туфайли турлича ёндашувлар ёрдами билан тушунтиришга ва унга эришиш воситаларини ишлаб чиқишига ҳаракаг қилинган. Инсоншунослик фанлари тарихида бахт муаммосини ўрганишнинг аскетик (юонча «аскет» - ҳаракатга келтирувчи деган маъно англатади. ҳис-туйгу, майл ва ҳавасни паймол қилувчи тамойилга асосланади) ва идоник (ички роҳатланиш, тана лаззати) ўзаро бир-бирига зид назариялар вужудга келган. Аскетик йўналишнинг вакиллари инсон танасига, унинг хошишларига нисбатан лоқайд ва менсимай муносабатда бўлишликни далиллашга уринадилар (кон, балгам, буйрак, кўз ёши,

⁵⁰ Каримов И. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 61.